



**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШДА ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-
ХУНАР ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИ ЁШ
ОЛИМЛАРИНИНГ РОЛИ”**

**ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

**27 май 2016 йил
Тошкент**

3-ШЎБА

НАГУЛЬНАЯ СПОСОБНОСТЬ И УБОЙНЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ БАРАНЧИКОВ МЯСО-САЛЬНОЙ ПОРОДЫ ОВЕЦ ДЖАЙДАРА Ф.Джасимов, М.Халмухамедова, Р.Трояновская, К.Хайдаров	392
ХАРОРАТНИ МЕЪЕРИДАН ЎЗГАРИШИ ВА ИПАК БЕЗИНИНГ ХАЖМИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ПИЛЛА ҲОСИЛДОРЛИГИ ҲАМДА СИФАТИГА ТАЪСИРИ Ч.И.Беккамов, Н.О.Ражабов, М.Қодирова, Ф.Шукуруллаева	394
ИПАК ҚУРТИ ЕТИШТИРИШДА АЭРОИОНИЗАТОР ҚУРИЛМАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ АСОСЛАШ Ў.А.Халикназаров, Д.И.Абдунабиев, Д.Н.Исмаев, А.Амиров	395
ДУРАГАЙ ТОВУҚЛАРНИНГ ТУХУМ МАҲСУЛДОРЛИГИ ВА УРЧИТИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ Ш.Комилова, И.Мақсудов, Х.Худойкулов, Р.Каримкулова	396
ТУРЛИ ГЕНОТИПГА МАНСУБ СИГИРЛАРНИНГ ЭКСТЕРЬЕР ХУСУСИЯТЛАРИ А.Абдувасиков, Б.Ўроқов, И.Мақсудов, О.Мамадиев, А.Ўринов	398
ТУХУМ ЙЎНАЛИШДАГИ ЖЎЖАЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ А.Холматов, Ф.Мамадов, М.Халмухамедова	399
АСАЛАРИ ОИЛАСИ МАҲСУЛОТИНИ ОШИРИШДА ҚЎШИМЧА ОЗУҚАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ С.Абдуллаев, Т.Ш.Акмалхонов, М.Халмухамедова, О.К.Расулов	401
УРҒОЧИ БУЗОҚЛАР ВА ТАНАЛАРНИНГ ЎСИШ ҲАМДА РИВОЖЛАНИШИГА ТУРЛИ ТИП РАЦИОНЛАРДА БОҚИШНИНГ ТАЪСИРИ Р.Каримкулова, М.Абдуназаров, Ж.Абдиримов, О.Мамадиев, И.Мақсудов	402
БРОЙЛЕР ЖЎЖАЛАРИНИ ПАРВАРИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ А.Холматов, М.Халмухамедова	404
«ДЕКАЛЬ» КРОССИГА МАНСУБ ТОВУҚЛАРНИНГ ТУХУМ МАҲСУЛДОРЛИГИ Т.Актамов, Х.Менгликулов, С.Матназаров, Х.Худойкулов, И.Мақсудов	406
ДАСТА ТУРЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ПИЛЛАНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ Ч.И.Беккамов, Ё.Я.Мирзаева, Н.О.Ражабов, М.Қодирова, К.Мусурмонова	407
АСАЛАРИ МАҲСУЛОТИНИ ОШИРИШДАГИ ЁЗГИ ТАДБИРЛАР С.Х.Абдуллаев, Т.Ш.Акмалхонов	409

4 - ШЎБА

АЙЛАНМА КАПИТАЛ: МОҲИЯТИ, РЕЖАЛАШТИРИШ, ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ Р.Д.Дусмуратов, М.Е.Бекаева	411
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Р.Х.Пулатова, Н.Ш.Болтаев	414
ОПЕРАТИВ ИЖАРАГА ОЛИНГАН АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ Н.Р.Рахмонов	415
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА “ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТНИНГ” G2C МОДУЛИНИ ЯРАТИШ У.Орипжонова Д.Мадуллаев	416
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ДАСТЛАБКИ ИСЛОҲОТЛАР ВА НАТИЖАЛАР А.Р.Қаюмов, Г.К.Имомова	418

сифатидаги буюмлар билан куртларни кўмиб ташлаш ва куртларга безовталиқ қилинмаслик деган фикр билан куртхонани эшик ва деразаларини бекитиб қўйишга асло йўл қўймаслик керакдир.

Чунки, парвариш қилинаётган ипак куртини пилла ҳосилига, пилла сифатига қолаверса даромадига путур етказиши ва 25-30 кунлик меҳнат самараси 2-3 кунда йўққа чиқарилади.

Демак, қайд этилган муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун ипак куртларнинг пилла ўрашида даста тайёрлаш, сақлаш ва фойдаланиш тартибини тўғри қўллаш орқали пиллани ҳосилдорлиги, сифати ва технологик кўрсаткичларига таъсирини илмий-амалий исботлаш ҳамда самарали технологияларни қўллаш ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

АСАЛАРИ МАХСУЛОТИНИ ОШИРИШДАГИ ЁЗГИ ТАДБИРЛАР

С.Х.Абдуллаев, Т.Ш.Акмалхонов
Тошкент давлат аграр университети

Ёз келиши билан асаларичилар ёзги тадбирларни бошлаб юборишади. Бунда қуйидаги тадбирлар бажарилади: уянинг ички ҳажмини кенгайтириш, асалариларни шарбат ташишга жалб қилиш, асал олиш учун асалари мумкатак ромларни ажратиш, асал олиш, асаларилар қишлаши учун озуқа захирасини жамғариш, асалари оилаларини сер асал ўсимликлар гуллаган ҳудудларга қўчириш ва бошқа тадбирлар олиб борилади. Агар асаларичи яхши бўлса унинг барча ишлари режа асосида кетади. Асалари оиласида уянинг ички ҳажмини кенгайтириш баҳордаги қаби ўтқаилади, бунда ари оиласини тафтиш қилиш вақтида қучли ари оилаларига 10-12 кг асал ҳамда қучига қараб етарли мумкатак инчали рамкалар қолдирилса, 2-3 ҳафта ари оиласини текширмаса ҳам бўлади. Шу муддат ўтгач, табиатда шарбат ажратадиган ўсимликлар гуллаши билан ари оиласига мумкатак рамка ва мумпарда берилиб, мумкатак рамкалар сони кераклигига етказилади. Барча мумкатак рамкалар асаларилар билан тўлгач, иккинчи маротаба кенгайтириш ишлари бажарилади¹.

Асалариларни шарбат ташишга жалб қилишда қидирувчи арилар шарбат ажратётган ўсимлик ёки шакар шарбати қўйиб қўйилган жойни аниқлаган қидирувчи арилар ўз уясига келиб, арилар зич турган мумкатак инчали ромлар устида алоҳида қўринишдаги, ўйинлар туша бошлайди, ишчи арилар бу хабарни олгач шарбат ташишга киришадилар. Асосий шарбат ажратувчи ўсимликлар гуллаш давригача асаларичи керакли асбоб-ускуналарни ҳамда мумкатак ромларни жамғариб қўяди. Ўсимликларни шарбат ажарата бошлаганини уя ичидаги мумкатак рамкаларнинг оқара бошлаганидан, ариларнинг жадал учишидан ёки назорат тарозисида текшириб билиш мумкин. Тарозининг кўрсаткичи қучига 0,5-1 кг кўрсатса, бу асосий шарбат ажратувчи ўсимликларнинг гуллаш бошлаганидан далолат беради. Асалга тўлган мумкатак рамкалар оқараиб туради, асал олиш учун асалли мумкатак рамкаларни ажратиб олишда асаларичига тутатгич, искана, чўтка ва асалли мумкатак ромлар ташиладиган махсус кути керак бўлади. Асалли мумкатак ромларни ажратиш учун асалари уяси очиқлиб тутатгич билан асалариларга тутун пурқалиб секин аста рамкалар олиниб асаларилар уя ичига қоқилади ёки чўтка ёрдамида уяга туширилади, агар рамкалар уяга ёпишиб қолган бўлса искана ёрдамида ажратиб олинади. Асалли рамкаларни рамка ташиладиган махсус қучига солинади ва уларнинг ўрнига асалли олинган бўш мумкатак рамкалар қўйилади.

Асал олиш учун уядан ажратиб олинган асалли рамкалар асал олиш учун махсус асал олиш жихозлари билан жихозланган хонага олиб келинади. Асал олиш учун асал олинадиган қурилма (мёдогонка), асалли рамкаларнинг инчалари устини қирқиб учун пичок, пичокни сувда қиздириш учун идиш, ювиниш учун сувли идиш, совун ва сочик, асал қўйиладиган идишлар бўлиши керак. Асалли мумкатак инчаларнинг усти қайноқ сувга солиб қиздирилган ва суви силкитиб ташланган пичок ёрдамида эҳтиёткорлик билан қирқилади. Рамкалардаги асалли инчаларнинг усти қирқилгач, мумкатак рамканинг пастки қисми рамка солинадиган қассетанинг айланадиган тарафига туширилади. Асалли рамка солинган қурилма айлантирадиган ўқидан ушлаб аввалига секин айлантиради, сўнгра тезлаштириб борилади. Инчалардан асал чиқиши тугагач, рамканинг иккинчи тарафи асал олинадиган қурилманинг девори тарафига айлантериби қўйилади ва қурилма (мёдогонкани) инчалардаги асал тўлиқ сизиб қикқунча айлантеририлади. Асалли рамкалардан асал ажратиб олингач, бирор қатта ҳажмдаги идишда бир неча кун ушлаб турилса, асал ичидаги мум заррачалари, мумкатак рамкалардан тушган чиқиндилар ва асал пуфакчалари асалнинг юзига сузиб чиқади. Ифлосликлар ажратиб олингандан кейин асал махсус қопқоқли идишларга қўйилиб, омборхоналарга жўнатилади.² Бундан ташқари кейинги вақтда Европа мамлакатлари ва асосан Германияда мумкатакли асал олиш кенг тарқалган бу усулда уяларга мум пардасиз рамкалар қўйилади. Асаларилар ўзлари мумкатаклар ясашади. Бу усулда асал олишда меҳнат харажатлари тежалани, асални тоза сақлаш таъминланади, меҳнат унумдорлиги ошади, ҳамда эски

¹Т.Ш.Акмалхонов "Асаларичилик". "ТошДАУ" Тошкент, 2000 йил.

²А.И.Исамухамедов, Ҳ.К. Никадамбаев "Асаларичиликни ривожлантириш асослари". "Шарқ" Тошкент, 2013 йил.

мумкатакларни қайта ишлашни олди олинади, рамкаларда мумпардалар бўлмагани учун таннарх пасаяди ва асал таркибида турли захарли дори препаратларини қолиб кетиши олди олинади.³

Асаларилар кишлаши учун етарли сифатли озик жамғарилганда ари оилалари яхши кишлаб чиқади, баҳорда яхши ривожланади. Қишлаши учун ҳар битта ари оиласига Ўрта Осиёда 16-18 кг озик қолдирилади. Ўзбекистон шароитида асосан ари оилалари ётоқ уяларда боқилгани учун, асосий шарбат тўплаш даврида яхши кишлаш учун ярқли бўлган сифатли асал берувчи ўсимликлар гуллаши даврида мумкатак ромларнинг ярмида ёки ярмидан кўп қисмида асали бор ромлар олиниб, алоҳида зич ёпиладиган уяларда кишлаш даврига тайёрлашгача сақланади. Алоҳида ажратиб олинган асалли ромларда гулчангларнинг борлигига эътибор бериш лозим.

Асали олинган уялар бўш мумкатакли рамкалар қўйилгач яна асал тўплашга киришишлари учун асалари оилаларини сер асал ўсимликлар гуллаган ҳудудларга қўчириш лозим. Асаларичи асалари оилаларини қўчиришдан олдин табиат календарини ўсимликлар гуллаш даврини билиши керак. Ҳар бир ҳудуднинг асосий асал берувчи ўсимликлари мавжуд, кўп ҳудудларда битта ўсимликдан шарбат олинмайди турли ўсимликлардан шарбат олинади. Асосий шарбат олиш даврини ўтириб юбормаслик учун асалли ўсимликлар флорасини яхши билиши лозим. Ўсимликларнинг қачон гуллаб гул шира ажратиши ва қачон тугагини билиш муҳим аҳамиятга эга.⁴ Бунинг учун асаларичи маҳсус календар тузиши лозим, бунда ўсимлик гуллаш даври ва давомийлигини билиб олиш керак. Бизнинг ҳудудларимизда турли туман сер асал ўсимликлар жуда кўп булардан асосий кенг тарқалган ўсимликлардан ғўза июнь, сентябр ойларида гуллайди 1 гектар ғўза майдонидан 200 кг дан ортик асал олиш мумкин, янтоқ июль, сентябр ойларида гуллайди гектаридан 150 кг асал беради, кунгабокар июль ойида гуллайди гуллаш даври икки ҳафта 1 гектаридан 30 кг асал олиш мумкин бундан ташқари гул чанг беради, бир қучли ари оиласи, бир мабсумда 40 кг гача гулчанг тўплайди. Шундан ривожланиши учун 25 кг гача гулчанг истеъмол қиладилар. Шоли ўсимлиги Республикаимизнинг Хоразм ва Қорақалпоғистон ҳудудларида кўп экилади июль, сентябр ойларида гуллайди асал бермайди, лекин гулчанги беради, маккажўхори июнь, июль ойларида гуллайди асал бермайди, лекин кўп миқдорда гул чанг беради ва ҳоказо шу каби ўсимликларни яна юзлаб санаб ўтишимиз мумкин. Бундан ташқари асаларичи асалари оилаларини қўчиришдан олдин ўсимлик гуллаётган ҳудудни аниқлаши, жой тайёрлаши керакли жихозларни ҳозирлаши керак. Асаларичиларга ўсимлик гуллаётган ҳудудларни аниқлашда фермер ва дехкон хўжалиги эгалари ёрдамлашсалар ўз ҳудудларида гуллаётган ўсимликларни ҳам чанглатган ва ҳосилдорликни 40-50 % га ча оширишлари мумкин. Бу ҳам асаларичилар учун ҳам фермер ва дехкон хўжаликлари учун фойдали бўлар эди. Асалари оилаларини қўчиришда қўчма уйлардан фойдаланилмоқда қўчма уяларда асаларичи яшаши учун ва асбоб-усқуналар сақлаши учун жой бўлиши керак. Қўчма уяларга жойлаштирилган уялар кеч қурун жойлаштирилиб тиркичлари беркитилиб эҳтиёткорлик билан бошқа бир жойга қўчирилади ва жойлаштирилиб эрталаб асаларилар тинчланган вақтда тиркичлар очилади. Шу билан бирга уяларни соя-салқин жойларга жойлаштириш асал сифатини ошишига, мум сифатини ошишида катта аҳамиятга эга уяларда вентилятсия тизимини қучайтириш учун маҳсус тешикчалар очиш ҳам мумкин, юкорида келтириб ўтилган барча тадбирлар асалари оиласидан сифатли маҳсулотлар олишда хизмат қилади.

³Х. Хорн Все о меде: производство, получение, экологическая чистота и сбыт. М.АСТ: Астрель, 2007.

⁴ О.Б.Бондарева "Настольная книга пчеловода" М.АСТ: Астрель, 2007.